

Умидада Абдуазимова

ТИКИЛИБ-ТИКИЛИБ ҚАРАЙСАН



85.94я438

А 13

Масъул муҳаррир — Тўлқин ҲАЙИТ

Абдуазимова, Умида

Тикилиб-тикилиб қарайсан (қўшиққа айланган шеърлар)
/ Т.: «Ўзбекистон», нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. —
96 б.

ISBN 5-640-03-200-6

Шоира Умида АБДУАЗИМОВАнинг ушбу тўпламига қўшиқ бўлиб, кўнгиллар мулкига айланган шеърлари киритилди. Китобни варақласангиз, севимли хонандаларимиз Ортиқ Отажонов, Ғуломжон Ёқубов, Нуриддин Ҳамроқулов, ака-ука Ваҳобовлар, Комилжон Баратов, Шермат Файзуллаев, Озода Назарова, Мансур Тошматов, Сайёра Қозиева, Мурод Иброҳимов, Миразиз Мухамедов, Илҳом Иброҳимов, Азим Муллахонов, Жаҳонгир Отажонов, Раъно Бўронова, Манзура, Исмоил Ғуломов, Майсара Имомова, Жалолиддин Усмонов, Улугбек Раҳматуллаев, «Саҳар» гуруҳи, Сайёра Назирова, Дониёр Тошмуҳамедов, Иродат-ю Шоҳруххонлар айтган қўшиқлар матнлари билан танишасиз. Уларни ўқиши жараённида беихтиёр қўшиқ қуйлари эшитилгандек бўлади.

Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК 85.94я438

У «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2006

ТИКИЛИБ-ТИКИЛИБ ҚАРАЙСАН

Тикилиб-тикилиб қарайсан?
Хумор кўзларинг қадайсан?
Парвомга олмасам, ўтиниб,
Ўкиниб, ўкиниб қарайсан.

Севгингни сездирсанг, ўргилай,
Сархуш боғ кездирсанг, ўргилай!
Хаёлим жиловлаб, қалбимга
Исмингни ёздирсанг, ўргилай!

Сен мени аввал хўп ўйлатдинг,
Сўнг қалбга эзгу хис ўрнатдинг.
Сен-ла кун фараҳ, дил фахрли,
Сен менга севишни ўргатдинг!..

АЙТ, НИМА ҚИЛАЙ?

Тушларингга кирмоқ учун айт, нима қилай?
Хаёлингда юрмоқ учун айт, нима қилай?
Бахти тугал, аҳди тугал ёр бўлмоқ учун,
Менга қўлинг бермоқ учун айт, нима қилай?

Катта йўлнинг катта экан муаммолари,
Бисёр экан мухаббатнинг мубталолари.
Бу йўлга мен кирдим-у, ҳеч чиқа олмадим,
Бор экан ўз сафолари ҳам жафолари.

Кўнгил вайрон бўлиб кетди, малҳам қайдадир?
Ситамлардан тўлиб кетди, малҳам қайдадир?
Куйни бузиб чалса, эсиз куй, дейдиларми,
Чолғучида эмасми айб, наҳот найдадир?

Тушларингга кирмоқ учун айт, нима қилай?
Хаёлингда юрмоқ учун айт, нима қилай?
Эркин-эркин оқсан дейман, эркин сув бўлиб,
Боғингдаги ирмоқ учун айт, нима қилай?..

ЯНГИ ЙИЛ КЕЛАЯПТИ

Янги йил келаяпти, ёр кўринмайди.
Ул бепарво васлимга зор кўринмайди.

Қорбобо ҳам келмоқда, совға-саломи билан,
Кор қиз ёнимда, аммо қор кўринмайди.

Қор бўлмаса бўлмасин, йўлим оқ айлар ёrim,
«Келар» деган умидим бор, кўринмайди...

Овоза қилай десам армону аламларим,
Пинҳон қўшиқ-куйим бор, тор кўринмайди.

Барча орзу-ўйларим зое кетиб, ўзимни,
Осмоққа шай турибман, дор кўринмайди.

Тор бўлмаса бўлмасин, дор бўлмаса бўлмасин,
Кайфиятим очишга кор кўринмайди.

Ёрсиз ўзим хайронман, юрак-бағри вайронман,
Барин ошкора этсам, оп кўринмайди.

Оташ-аланга билан ўтирган Умидага
Янги йил ҳам, бўлмаса ёр, кўринмайди...

ЭРТАГА

Кун чарақлаб кетар эртага,
Дил ярақлаб кетар эртага,
Тунлар зор чиққаним, эртага,
Келар орзиққаним эртага!

Гул-лолалар қўйдим дасталаб,
Гул-лолага қўйгум аста лаб.
Лола қадаҳ тўлади энди,
Бағрим гулхан бўлади энди.

Бошланади қувноқ кунларим,
Ҳур ухлоқ, хуш уйғоқ кунларим.
Менга ҳамроҳ келар эртага,
Мангу паноҳ келар эртага!

Эртага мен кулиб тураман,
Тошқин дарё бўлиб тураман,
Ҳисларимни жиловлаб ёrim,
Ҳадя қилар мангу баҳорим.

Эртага мен эртани кутиб,
Эртакларнинг этагин тутиб,
Елдирим ел бўлиб ўзаман,
Етаклаб ой, йилдан ўзаман.

Энг севимли куним эртага,
Орзум топар қўним эртага!

ОНАЖОНИМ

Салқин-салқин куз шамоли,
Сочларимни тароқлайди.
Онажоним томон унданб,
Юрагимга ўт қалайди.

Онажоним-жонажоним,
Фарзандига жон бажойим.
Теракдаги сўнгти баргдек,
Титраб турган ширин жоним.

Жийрон-жийрон ўғлонларим,
Атрофимда ўйноқлайди.
Онажоним томон унданб,
Бувижонин сўроқлайди.

Нима қилай, нима қилай,
Ёнингизга боролмасам?
Жонингизга жон бўлиб жон,
Ўнингизда юролмасам?

Болам, болам демоқ бизга,
Мерос одам Атомиздан.
Болам-болам, деб ҳамиша,
Ўтса ўтди хато биздан.

Нима қилай-нимада қилай,
Рухсорингиз қўролмасам?
Керак пайти сергак бўлиб,
Ширин сухбат қуролмасам?

КЕЛИБ КҮР

Сенингсиз кунларим кунмас, келиб күр.
Боғим боғми, гиёх унмас, келиб күр!

Шому сахар наво билмай, даво билмай,
Шиша қўнгил дарзу синмас, келиб күр.

Ҳамма бирдек Лайли-Мажнун эмас бунда,
Беш кунлик бу дунё чинмас, келиб күр.

Бу ғурбатни якка ўзи кеча-кундуз
Умид билан яшаб енгмас, келиб күр.

Гар келмасанг қайтар дунё сабоғидан,
Сен ҳам сенмас, мен ҳам менмас, келиб күр.

Сенингсиз қуш уйқу топган Умидага,
Ҳажру васл завқи тентгмас, келиб күр.

АЁЛЛАР

Сиз синглимсиз, сиз онамсиз, ёримсиз,
Мехрибоним, муҳаббатли торимсиз.
Саранжомсиз, сариштасиз ҳар ишда,
Сиз жонимда, ёнимдаги фаришта,
Аёллар, аёллар, аёллар,
Сөхргар, ошуфта хаёллар.

Бўлмасангиз ишларимда унум йўқ,
Кулмасангиз, ҳаётимда қўним йўқ,
Кечалари тушларимда тиним йўқ,
Ҳаётим беҳаловат, шод куним йўқ,
Аёллар, аёллар, аёллар,
Сөхргар, ошуфта хаёллар.

Ахир сиздан тўлар асли гўзаллик,
Ахир сиздан кулар фасли гўзаллик,
Сиз фаришта, Сиз бегойим, Сиз малак,
Аёл зоти, Аёл насли — гўзаллик.
Аёллар, аёллар, аёллар,
Сөхргар, ошуфта хаёллар.

СЕНИ КҮРГИМ КЕЛАВЕРАДИ

Қуёш бевақт қулаверади,
Боғлар кўз ёш қилаверади,
Ҷорлар гўё ўлаверади,
Сени кўргим келаверади.

Эшик қоқиб ёзлар ўтади,
Эътиrozлар, розлар ўтади,
Ихтилофлар, нозлар ўтади,
Сени кўргим келаверади.

Гул кўтарган ошиқлар кўпи,
Келиб-кетар маъшуқлар хўпи,
Тахланиб чўғ юракнинг гапи,
Сени кўргим келаверади.

Автолардан қолиб юраман,
Аэролардан қолиб юраман,
Хаёлимда олиб юраман,
Сени кўргим келаверади...

ВАФОЛАРИНГ ШУМИ?

Севгимга севгилим,
Вафоларинг шуми?
Гурбатга отганинг,
Жафоларинг шуми?

Хажру фироғингда
Ўртанди жоним, десам,
Дилимни ўртаган
Наволаринг шуми?

Умидим, ишончим,
Севгим, қувончим,
Дардимга берганинг
Даволаринг шуми?

Билмадим не сабаб
Мендан аразладинг,
Ваъдага қилганинг
Вафоларинг шуми?

Билгинки мендайин
Ҳеч ким сени севмас.
Севгимга жавобан
Садоларинг шуми?

МЕНИ СЕВИНГ

Мени севинг, мен сизни севиб қолдим,
Сизга борар йўллар ахтариб қолдим.
Хайрлашдим сўзлар билан чиройли,
Бесаранжом бўлиб сизни деб қолдим.

Мени севинг, мен хушимдан айрилиб,
Кечалари тинч тушимдан айрилиб,
Хатто ўнгу терс йўлимдан қайрилиб,
Сизни деб мен на-да ўзни деб қолдим.

Баъзан олов, баъзан сувга айланиб,
Сизни деб минг тўфонларга шайланиб,
Елкани йўқ қайиқларга бойланиб,
Суза-суза бир денгизни деб қолдим.

Кетаяпман, кетаяпман, қирғоқ йўқ,
Бу йўлимда на яқин, на йирок йўқ,
На оташин висол, на-да фироқ йўқ,
На қариндош, на бир дўстни деб қолдим.

Мени севинг, мен сизни севиб қолдим,
Сизни деб тинч умримдан совиб қолдим,
Сўзлар билан хайрлашдим чиройли,
Кўзлар билан фақат сизни деб қолдим,
Ғала-ғовур кунларни қувиб қолдим...

АРАЗЛАМАНГ

Намозшомда очилган гуллар,
Юмилсинлар, майли, чошгоҳда.
Жала қўйсин ушлашиб қўллар?
Бизлар қувнаб юрган чорбоғда,
Фақат жоним, сиз аразламанг.

Қорачўғлар чўгин кўрсатмай,
Эгилмасин узун киприклар.
Мавзуларим поёнга етмай,
Орзум кўмилмасин тириклай,
Фақат жоним, сиз аразламанг.

Самбитгулдек барно қоматлар,
Чоғланмасин биздан узокқа.
Ўз ёғида қоврилиб қалблар,
Доғланмасин тушиб тузоққа,
Фақат жоним, сиз аразламанг...

ЖИМДИРМАН

Беайб кун, кечалардан
Бездирма,
Охири йўқ кўчаларда
Кездирма.

Порлаб турсам васфинг-ла,
Тийиб қўйма.
Чорлаб турсам бепичоқ
Сўйиб қўйма.

Мехрга зор ниҳолдирман,
Синдирма.
Акс ҳолда беҳолдирман,
Жимдирман...

ГҮЗАЛ ЁР

Севгисини ибо билан,
Айта олмай имо билан,
Қийналади гүзал ёр.

Боқишида меҳр билан,
Борлиғимга сеҳр билан,
Жойланади гүзал ёр.

Етиб бўлмас зўр тилакка,
Хаёлий бир ҳур, малакка,
Айланади гүзал ёр.

Нималар бор дилида,
Билолмай лол Умидা,
Ўйланади, гүзал ёр.

ҚИЗ БОЛАГА

Қиз болага, ширин қизлар,
Калон димоғ ярашмайды.
Назокатни билингизлар,
Ха, деб фироғ ярашмайды.

Сизни севиб, сизни десак,
Саодат деб билингизлар.
Васлингизни хумор этсак,
Саховат зеб қилингизлар.

Нозингизга тараф йўқдир,
Нознинг бўлсин чегараси.
Айтилган сўз отган ўқдир,
Сўзнинг бўлсин чегараси.

Икки қўлдан чиқади қарс,
Бармоқ тишлаб қолманг, қизлар.
Умиданинг сўzlари рост,
Ўзни баланд олманг, қизлар.

ЁШЛИГИМ

Мұхаббатсиз ўтма, ёшлигим,
Шодникларга ғарқ бўла қолгил.
Кулиб келса қалам қошлигим,
Сен ҳам дилдан кул, кула қолгил.

Инсонларни эъзозлагин, сев,
Инсонларга ишон, ёшлигим.
Ватан, ота-она, дўст-чун сен
Керак бўлса бер жон, ёшлигим.

Эзгуликнинг йўл бошида бўл,
Соф ниятли юрак — юракдир.
Сени севган Ватан учун, бил:
Фақат шундай ёшлик керакдир!

ЯРАТГАН

Мени Тошкент, сени Наманганда яратган,
Билиб билмай бир жону бир танда яратган.

Масофадан норизо хайф десак тақдирга,
Ишқимиздан тоғлар пароканда яратган.

Сабр тогин зabit этурмиз ҳафта оралаб,
Булбул чақчақлаган ғайри онда яратган.

Фахрким туш, хушлар аро фарқсизлик мудом,
Ошиқ аҳлин ғулув ғалаёнда яратган.

Отабекдан ортда қолмай мажнуна Зайнаб,
Кумушман деб мозор кезган онда яратган.

Эй Умидা, кўнгил энди тақдир ҳукмига,
Бу муқаддас ғамни Аллоҳ жонда яратган.

ЎЙНАДИНГ

Гир айланиб ўйнадинг,
Чир айланиб ўйнадинг,
Йигитларни лол қилиб,
Бир айланиб ўйнадинг!

Кўзлар кўзингда қолди,
Ширмой юзингда қолди.
Хаёлни ҳаволатган
Ширин сўзингда қолди...

Боғимдан гул уздинг ёр,
Борлиғимда суздинг ёр!
Нозик қилиб юракка,
Ишқ расмини чиздинг ёр!

Энди ўчириб бўлмас,
Ёки кўчириб бўлмас,
Бу қилган гунохингни
Асло кечириб бўлмас!

Ўт тушди ширин жонга,
Дилни олдинг нишонга,
Энди ўзинг оро кир,
Ёрим бўлиб ишонган...

БҮЛДИ

Сени севмай қўйганимга кўп бўлди,
Ўйлаб кўрсам ажаб бўлди, хўп бўлди.

Висолингу фироқингда куймайман,
Ҳаммасини сокин кунлар еб бўлди.

Катта-кичик давраларда учрашсак,
Қўзлариммас, сўзларим ҳам чап бўлди.

Сендан буткул воз кечганим ростлиги,
Дўсту душман аро роса гап бўлди.

Севмай қолиш мумкин экан, мумкинмас
Яна нима қолди, бари даф бўлди.

Эътиқодим кучли дердим, субутда
Турмоқлик ҳам исбот бўлди, соб бўлди.

МЕНИ ДЕСАНГ

Мени десанг, сени дейман,
Ҳамиша ғамингни ейман.
Дилингдагин тилинг айтса,
Мен ҳам ёр, чин сўзим дейман.

Алдаганга алдоқчиман,
Ҳаётингга мен соқчиман.
Бу ёлғончи дунёсида
Алданмагин демоқчиман.

Ташрифингдан айланайин,
Ташвишингга шайланайин.
Ширин тилак, дил малагим,
Тақдирингга бойланайин.

ТАНИШЛАРИМСИЗ

Яшолмайман яширин хонишларимсиз,
Ширин хотираларда ёнишларимсиз.

Бўйи бўйимга монанд, ўйи ўйимга,
Дили бир, йўли айри танишларимсиз.

Кунлар ўтар, юракни бир ҳовуч қилиб,
Ўр хаёлин беради бир овунч қилиб.

Хотирадан кеч юрак, ишқ шаробин ич юрак,
Бевафо ёр севгисин чин севинч қилиб.

Дилим доғли, оёғим ҳам қўлим боғли,
Ўрга олиб боражак тўрут йўлим боғли.

Юракка ишим тушди, буйруқ бераман,
Бу кундан ўлим афзал, лек ўлим боғли.

Умрим ўтиб бормоқда, ютиб бормоқда,
Қайси боғда бир дараҳт куртак ёрмоқда.

Яшолмайман «сев» деган ёнишларимсиз,
Кулиб боқсанг севгимдан тонишларимсиз...

ОЙДИН КЕЧА

Ойдин кеча, ойдин кўча, юрсак биз,
Нигоҳлар-ла ўтли сухбат қурсак биз,

Тепамизда кулиб турса сулув ой,
Шарқираса солиб дилга ғулув сой.

Мен фақат шу жуфт гувоҳни истайман,
Юр, юрақол, мен сайлга қистайман.

Ойдин кеча, ойдин кўча, юрак чўғ,
Эзгуликдан дилда ўзга тилак йўқ.

Кўча бўлсин на охири, боши бор,
Кеч сайлга сен ҳам ҳис-ла тошиб бор.

Аямай ой бизга нурин эласин,
Шу кўчани сир, сехрга беласин.

Шарқироқ сой шиҷоатин тиласин,
Ярқироқ ой сочиворсин тилласин.

Ойдин кеча, ойдин кўча кафт мисол,
Унда бўлсин фақат битта чўғ висол.

Иккимизнинг кўзларимиз оташи
Бир-бирига берсин қалб сирин ташиб.

Гарчанд баҳор, сердараҳт бўлмасин у,
Не гап дарахт панасида, қоронғу...

ШАҲНОЗА

Ул йигитни Шаҳноза,
Шайдо этдингми?
Ишқ оташин дилида
Пайдо этдингми?

Йўқса нечун олдингда
Терга ботади?
Балки унинг қалбида
Мехринг ётади?

Кўзларингга қаролмай,
Ерга боқади.
Барнонинг бу туриши
Сенга ёқади.

Доим уни ўйлайсан,
Сен ҳам шайдоми?
Уни қўмсаб битганинг
Шеърми, навоми?..

ГҮЗАЛДИР

Гўзал гўзал эмас, суйган гўзалдир.
Севгисин юрақдан туйган гўзалдир.

Муҳаббат боғида ёниб, ёндириб,
Рашку фироғида куйган гўзалдир.

Ўрига дил изҳор қилолмай йиллаб,
Армон тоғларини уйган гўзалдир.

Бир имкон ахтариб эзгу ишқ учун
Инон-ихтиёридан тўйган гўзалдир.

Дунёга келибсан, сен ҳам айтиб кет,
«Гўзал гўзал эмас, суйган гўзалдир!»

АЁЛ

Бўсалар учун яратилган аёл,
Фуссалар учун яратилган аёл.

Бўсалар олаверинг лабларидан сиз,
Улардан учган шўх гапларидан сиз.

Оқ ғознинг тўшидек оқ бўйни сизга,
Пуч ёнғоқ тўлган ҳам пок қўйни сизга,

Парвозга шай икки кабутар мисол,
Сизгадир кўкси ҳам, қошлари ҳилол.

Кимгадир муҳаббат — олтин тахтдир у,
Кимгадир кишан ва аччиқ тақдир у...

ҚўШНИ ЙИГИТ

Кўшни йигит, кўзларингиз бунчалар шўх кулади,
Қиё боқсам шўхлик билан мисоли чўғ бўлади.

Уфқдаги қуёш каби қизарасиз тикилсам,
Сизни пойлаб, мен атайлаб кўп тикилгим келади.

Эшитилиб қолар баъзан ҳаяжонли бир товуш,
Учиб қолар ҳовлимизга хат битилган қофоз қуш.

Кўшни уйда сайраб қолар рубобий нолавор соз,
Кўшифингиз, ишқ-охингиз рости дилга ёқар хуш!

Кўшни йигит, бўйларингиз бунчалар барно экан,
Сизни баҳтли қилмокчи минг гул, раъно шайдо экан.

Боқсам ҳатто гапиролмай қоласиз-ку, кулгуда,
Хат битганда факат бийрон тилингиз пайдо экан.

Қамаштириб кўзингизни ойдек тўлгум келади,
Ҳаяжонга қўйиб сизни, сойдек тўлгим келади,

Ўзим келин қиласман, дер онангиз минг ўргилиб,
Шундай ширин сўз онага келин бўлгим келади.

СИНГЛИМ ТОПГАН ЁР

Кўнглим эмас, синглим топган ёр,
Бу дунёда менга кераксан.
Оташимда нонлар ёпган ёр
Бутун умр менга тиргаксан.

Синглим эмас, кўнглим топсайди,
Ҳам олов, ҳам музга айланиб,
Нолиб, ғолиб, юрмасдим дайдиб,
Сенингдек хур қизга уйланиб!

Вужудимда ўтлар ёнарди,
Кўтаролмай ёрнинг фироғин.
Сен — хурларнинг феъли кенг, марди,
Ўлтирибсан, ёқиб чироғим.

Кўнглим эмас, синглим топган ёр,
Сен бир умр менга кераксан.
Кўш қанотим бўлиб барқарор,
Умр кўргай тоза юраксан.

ЙЎЛ БОШИДА

Янги йил, янги йўл бошида,
Ўн саккиз, ўн тўққиз ёшида,
Турганлар танитсин ўзини,
Момолар, боболар қошида.

Куйласак арзийди шодланиб,
Эртанги кунларга отланиб,
Қўлингни бер, дўстим, қўлингни,
Турмагин бир четда ётланиб.

Дарёлар ирмоқдан бошланар,
Бирлашиб юрмоқдан бошланар,
Севгининг қудрати, журъати,
Висолу фироқдан бошланар.

Яшайлик толедан севиниб,
Яшайлик севиб ҳам севилиб,
Кўнглингни очмасанг, кўнглимни,
Қаёқдан оларсан сен билиб?

Янги йил янгича чўғланар,
Дилларда янги ҳис чўғ олар.
Янгича яшашнинг имкони,
Янги йил бошида туғилар...

БИРИНЧИ БЎЛМОҚ

Бир ҳафтадан бери биз,
Нега нари-беримиз?
Шунчалик бездирдикми,
Ҳаётда бир-бирамиз?

Важ топиб бер кўрарга,
Сўзлашишга, куларга.
Бизни айри қўйма, деб
Ёлворарман ғууррга.

Ғуур дейди: «Ўзинг тут,
Дилингдаги сўзинг тут.
Яраш-яраш тоғидан
Ё биринчи ўзинг ўт!»

Биринчи бўлмоқ қийин,
Аҳдлашиб, кулмоқ қийин.
Биринчи бўлиб яшаб,
Биринчи ўлмоқ қийин.

Биринчи сўз қотинг, ёр,
Ва ёки сим қоқинг, ёр,
Хеч бўлмаса жилмайиб,
Узоқдан жим боқинг, ёр.

Шунда тарқар уйкумиз,
Юракдаги қутқумиз.
Кўзларни ўт олдирап,
Бир самимий кулгумиз!..

УЗУК КҮРДИМ

Бармоингда узук күрдим,
Узук күрдим, қоракүз.
Кўзларингни сузук күрдим,
Сузук күрдим, қоракүз.

Уйланибсан, бармоингга
Кимдир узук тақибди.
Мен музлатган нигоҳингга
У оловлар ёқибди.

Мен итарган кўксингга у
Оҳиста бош қўйибди.
Мен севмайин ўкситсан у
Овтибди, суйибди.

Куёв бўлиб кошонага
Чараклабди кўзларинг.
Бахт ёзилган пешонага
Бўйи етмас бўзларнинг...

Бекасам тўн кийибсан сен,
Сузилибди кўзларинг.
Бўзлатмоқчи бўлгандим мен,
Лекин ўзинг бўзлатдинг...

ЯХШИ КҮРАМАН

Қуёш чиққач сўнган ой каби,
Ўзинг олиб қочавер, майли.
Мени қуёш билсанг шод қалбим,
Тунда нуринг сочавер, майли,
Бари бир мен яхши кўраман.

Мени йўқлаб келмасанг ҳечам,
Севгимни рад этиб кетсанг ҳам,
Ўлғизликда ёвланса кечам,
Гуруримни поймол этсанг ҳам,
Бари бир мен яхши кўраман.

Осмонга тош отсанг қайтади,
Ўзига хос садоси билан.
Эл не деса билиб айтади,
Ваъда гўзал вафоси билан.
Бари бир мен яхши кўраман.

Тун-кун аро мен бир шуъламан,
Басдир мени кўрса кўзларинг.
Сен деб йиғлаб, сен деб куламан,
Тоабад шу айтар сўзларим:
Бари бир мен яхши кўраман!

ҮН САККИЗДАН ЎТГИМ ЙЎҚ

Хозир ёшим ўн саккиз яшар...
Кел, сирдошим, ўн саккиз яшар
Кизнинг сирларига қулоқ сол,
Бошим чулғаб олган минг хаёл.

Ўртнаман хонамда якка,
Паришонман, зорман кўмакка.
Вужудимда бир олов бор, дўст,
Ва беаёв бир қалов бор, дўст.

Сенга очай юрагимни, кел,
Сенга айтай тилагимни, кел!
Гоҳ тошқинман мисли анҳордай,
Гоҳ шошқинман фасли баҳордай.

Ахир бир кун сенга ҳам каманд,
Ташлаб қалбинг айлар баҳраманд,
Бола қилиб, гул-лола қилиб,
Гоҳ минг яшар дил нола билиб...

Мендек қамраб сени бир туйғу,
Тунларингни қилар беуйқу,
Хушинг қўлдан олар ўн саккиз,
Қийноқларга солар ўн саккиз...

Ўн саккиздан ўтгим йўқ менинг,
Ўн саккиздан кетгим йўқ менинг...

ОНАМНИ КҮРГИМ КЕЛАР

Турмушнинг муштларидан
Гаранг бўлганда бошим,
Айрилиб хушларимдан,
Тишим синдирса ошим,
Онамни кўргим келар.

Ёримнинг турфа феъли,
Боламнинг инжа иши,
Аро югуриб-елиб
Эзса дунё ташвиши
Онамни кўргим келар.

Овим юрса, довимни
Бермаганда худойим.
Юрак титраб тобимни
Йўқотганимда доим,
Онамни кўргим келар.

Кўксига бошим қўйиб,
Йиғласам тўйиб-тўйиб,
Менинг полвон онамнинг
Бағри кетмасми куйиб?
Онамни кўргим келар.

Қувонч-ташвиш, армоним
Онамга бориб айтгум.
Ростлаб қадду дармоним,
Ғамимни бериб қайтгум...
Онамни кўргим келар,
Онамдек юргим келар.

ОДАМЛАР

Йигилар ё тўзар одамлар,
Бузади ё тузар одамлар.
Бахту андуҳ талаб, бўлишиб,
Бир-биридан ўзар одамлар.

Гарчанд осмон ҳамда ойи бир,
Шимар ҳаво, ичар сойи бир.
Сувга тушса, кўкка учса-да
Сўнг нафасда қайтар жойи бир

Яхши билар: қисқадир умри,
Лекин бири — қўй, бири — бўри.
Бири жонин берар бирига
Жаллод бўлар бирига-бири.

Бировидан қиласман фахр,
Мехр топдим, кўргуздим ахир!
Шундайин ҳам қисқадир умр...
Нега кўзга қалқади қаҳр?

Яхши аро ёмонлар яшар,
Яхшиликка ҳамоҳанг башар,
Ёмонлар оз, ишонгим келар!
Шу-чун кўзга ёмонлар тушар!

СУБХИДАМ ЕЛЛАРИ

Субхидам еллари гуллар бўйини
Димоқقا ёқимли таратиб ўтди.

Атрофга ёйганча кушлар куйини,
Чаманда дилрабо янгратиб ўтди.

Ҳовуз лабидаги маъюс мажнунтол
Солланган соchlарин тароқлаб ўтди.

Барчада гўзаллик қилай деб бисёр,
Кезиб гулшан аро сўроклаб ўтди.

Муҳаббат васфини қўчириб тилга,
Муҳаббат васлида ўйлатиб ўтди.

Муҳаббат фаслини жо қилиб дилга,
Муҳаббат, меҳридан сўйлатиб ўтди!

НОЛАМ

Мен бир мағрур йигитнинг саволи билан бандман,
Қадрдон етти ётнинг хаёли билан бандман.

Узок-яқиндан уни кузатаман қалб билан.
Ҳаётимнинг мазмуни, тўлиқдир шу алп билан!

Вужудимда ўт бўлиб, қуёшга қўшилар у.
Қадамини қут қилиб, дилимга тўшалар у.

Оташларда қоврилиб, гоҳ қовжираб боряпман.
Бор-йўғимдан соврилиб, гоҳ авж олиб боряпман.

На-да хаёли, балки ҳаёти билан бандман!
На-да қалб, тан, вужудим унга тамом талпинган.

У эса борган сари қуёшга яқинлашар.
Шу сабаб кун-тунимда нур, оташин чақинлар...

Ўзимнинг алангамда икки олам бир қадам.
Қуёшлансин, қуёшдан айрилмасин у одам!..

Мағрур йигит — сир экан, сехрланган қир экан.
Парвога олмас мени, нолам бетаъсир экан...

ЎША СИЗМИ?

Ўша сизми, деразамдан goх
Гул ирғитиб йўқолган бесас?
Ёмғир бўлиб, чертиб ойнамни,
Хонам узра боқкан серҳавас?

Ўша сизми, димоққа еллар
Билан баҳор бўйин таратган?
Сочларимни тортқиласб майнин,
Мени ҳар ён ҳайрон қаратган?

Ўша сизми, қор бўлиб оппоқ,
Йўлларимни оққа белаган,
Қошларимдан, соchlаримдан шўх
Ҳислар билан шодлик элаган?

Ўша сизми, тунлари менинг
Кўзларимдан уйқумни олган?
Ширин ўйлар, ҳаяжонлар-ла
Юрагимга муҳаббат солган?

Ўша сизми, ўрик гулларин
Севган барно, севдирган барно?
Ўрик гулли кўйлагим кийсам,
Пинҳон боқиб, лол турган барно?

Ўша сизми, умр бўйи мен
Излаганим, излатганим ёр?
Ўша сизми, ха, ўша сизсиз,
Талпинмайди, қалб ахир бекор!

ҚАНОТ БЕР

Ёшлик, ёшлик, қанот бер менга,
Юлдузларга учиб борайин.
Ёшлик, ёшлик, мадад бер, менга,
Саҳролардан гуллар терайин.

Мен чорвадор, менман пахтакор,
Оқ олтинлар ундирай чўлда.
Майли, кўкда хаёл сурсин ой,
Мен қуёшни қўндирай қўлга.

Сочларимни ўриб қирқ кокил,
Гулбаҳорга ўйнаб берайин.
Дилгинамга ажиб ҳис ҳоким,
Соф ишқимдан сўйлаб берайин,
Ёшлик, ёшлик, мадад бер менга...

ИНТИЗОР ТУРИБМАН

Интизор турибман йўлингда,
Кўлингни узатгил менга ёр.
Гул, лола тутибсан қўлингда,
Гулингни узатгил менга ёр.

Нигоҳлар, нигоҳлар таъқиблар,
Ошкора олайн гулинг мен,
Панадан тикилар рақиблар,
Юрайин, юрайин кулиб мен.

Эзгуга чорласин мухаббат,
Ошкора севайлик, севилиб.
Кўзларда порласин мухаббат,
Яшайлик толедан севиниб.

Интизор турибман йўлингда,
Кўлингни узатгил менга ёр.
Илк севгим тақдири қўлингда,
Қалбимни узатгум, сенга ёр...

ДОНО ҚИЗМИСАН

Кўзи юлдуз қизмисан,
Сочи кундуз қизмисан?
Сен билан кўча кезсам,
Кечам кундуз қизмисан?

Ёғду сочиб кўзингдан,
Қийнама, қиз қийнама.
Бугун айтган сўзингдан
Эрта осон айнама.

Қоши каро қизмисан,
Дилга яро қизмисан?
Мени қийнаб бошимга
Битган бало қизмисан?

Бизни кўйиб бошқача
Айнама, қиз, айнама.
Мен куйласам бошқага
Ўйнама, қиз, ўйнама.

Ўзи барно қизмисан,
Сўзи доно қизмисан?
Эрта-индин бошимга
Солар жафо қизмисан?

Лобар, чаққон қизмисан,
Элга ёққан қизмисан?
Захар сочма, тилингни
Илон чаққан қизмисан?..

КЕЛ, КУЙЛАЙЛИК

Кел, гўзалим, мен чалиб рубоб,
Таратайин жўшқин наволар.
Сен куйлагин, узоқ-узоққа,
Олиб кетсин куйинг саболар.

Кел, куйлайлик, учқур охулар,
Куйларимиз тоғларга элтсин.
Жимжит тоғлар чиқариб садо,
Еллар сўлим боғларга элтсин.

Мадҳ этайлик биз баҳтимизни,
Ўшлигимиз ҳарорати-ла.
Севгимизни, меҳнатимизни,
Санъатимиз маҳорати-ла.

Куйларимиз ёзиб қулочин,
Кенг таралсин бутун дунёга.
Баҳтсеварлар, барча тенгдошлар,
Жўр бўлишсин куйга, навога...

ТИЛГА ТУШДИМ

Қалбимда бир энтикиш ҳоким,
Қалбимда бир ширин хиссиёт.
Билмам буни солиб қўйди ким,
Ў бердими туйғуни ҳаёт,
Тилга тушдим ўн етти ёшда.

Кўзларимда жилва, нур тўла,
Кўзларимда сир бор, сехр бор.
Юрагимда ажиб ашула,
Балки бунинг сабабкори ёр?
Дилга тушдим ўн етти ёшда.

Қайларгадир талпинар юрак,
Ўзга оро берган бўламан.
Кимгадир сир очмоқлик керак,
Гоҳ хомуш, гоҳ завққа тўламан,
Шу сехркор ўн етти ёшда.

Кўзгуга ҳам қарайман минг бор,
Узоқ қолиб кетаман рости.
Ҳа, биламан кимдир менга зор,
Қалбимда ҳам кимгадир рости,
Зўр меҳр бор ўн етти ёшда.

РАНГ ОЛДИМИ?

Севгилим, ёноғингдан,
Ол лола ранг олдими?
Шўх кулгу, хандонингдан
Шалола танг қолдими?

Дур тишларинг яширган,
Лабми, гул япроғими?
Дил уммонин тоширган,
Висолинг фироғими?

Қаршингда булбул мисол,
Парвонаман, гулмисан?
Чиндан ҳам лабзи ҳалол,
Беғубор қўнгулмисан?

ЕТАР ШУНЧА

Кўзларингдан аён муҳаббат,
Яширмоқдан айтгин, не мақсад?

Бир тоза қалб ёнар, ўртанаар,
Сенинг ишқинг, ўйингда фақат.

Пешвоз чиққин, васлингга муштоқ,
Пинҳон тутмай қалбингни англат.

Булбул мисол жўшиб, баҳтиёр,
Севги, вафо созин жаранглат.

Етар шунча нозинг, Умидা,
Ошиқ дилга айлагил шафқат.

СҮЮНМАЙСАНМИ?

Сүюнсам суюнчимдан суюнмайсанми,
Куюнсам, куюнчимдан куюнмайсанми?
Хазонрез кунларимда ўкинмайсанми,
Баҳорий кунларингга чекинмайсанми?

Суюнсам, суюнмасанг қандайин ёрсан?
Куюнсам куюнмасанг, қандайин ёрсан?

Хазонрез кунларимда йўлдош бўлмасанг,
Қаддим ёй онларимда қўлдош бўлмасанг,
Тирак бўлмасанг менга, қандайин ёрсан,
Керак бўлмасанг менга қандайин ёрсан?

Емрилади тираги йўқ қирғоқ тезда,
Билинади дўст-душман ким, шундоқ кезда.

Бир куним ўтиб кетар айрил, ҳозирдан,
Дил ярам битиб кетар, айрил ҳозирдан,
Мени ҳам чалғитмагил, чалғима сен ҳам,
Дўст кўлим тутиб кетар, айрил ҳозирдан...

ҚИЁ БОҚИБ

Менга қиё боқиб ўтди бир йигит,
Халоватим ёқиб ўтди бир йигит.

Қадду басти хаёлимни банд этди,
Қарашлари бир умрлик сир йигит.

Қошу кўзи попукдек бу ким бўлди?
Кўзларида ўйнар кулгу, ким бўлди?

Бежиз эмас боқиши, ўт ёқиши,
Ким бўлди, деб сўрсам барча жим бўлди.

Амма — холам сирли киприк қоқишар,
Сочларимга сочпопуклар тақишар.

Узун бўлар соchlарингдек йўлинг деб,
Тушларимнинг таъбирини чақишар.

Дугоналар жўр бўлишар жумбоқقا,
Менинг билан бирга ўйга чўммоқقا.

Кўзларимни жовдиратган сиримни
Менинг билан бирга дилга кўммоқقا.

Ўзим ерда, кўнглим кезар самода,
Эшитмасам ўйтларни мабодо.

Мен ҳакимда турли ўйга бормангиз,
Ишим бордир тутқич бермас сабода.

Сабо каби сассиз ўтди бир йигит,
Қараchlари қалбга қалар сир йигит.

Мен бу сирнинг мушкулотин ечолмай,
Югурарман еру кўкда зир, йигит.

Юрсам анқир йўлларимда ифорлар.
Кулсам арир юрагимдан ғуборлар.

Ҳатто қишда ўйласам шу йигитни,
Қайтиб келар юрагимга баҳорлар...

ЎЗГАГА ЁРДИР

дүэт

— Ҳаётимнинг мазмуни бўлган,
Хаёлимда бир гўзал бордир.
Менга тушган қўзлари қулган,
Аммо ўзи ўзгага ёрдир.

Кўкда турган кунни оғдирап,
Ҳайратларда севишганмиз биз.
Ҳаяжонли ҳислар ёғдирап,
Хаёлларда қовушганмиз биз.

Биз қувончни кўряпмиз рано,
Бахт тилашиб бирор-бирорга.
Дил чўғланар қилмасдан парво,
Сочга қўнган оппоқ қирорга,

* * *

— Ёшлигимда севдим юлдузни,
Ишқи билан ёндим ушлай деб.
Баланд кўкда порлаган қизнинг,
Висолидан кўнгил хушлай деб.

Аммо тақдир қилмади рано,
Ўзгага ёр бўлди дилдора.
Кўзларидан ёш тўкиб Раъно,
Ўзга дилдор бўлди дилдора.

Йиллар ўтди, мана ўша қиз
Улғайибди, бўлибди она.

Кора кўзли ўғлига шу қиз
Исмим қўйиб бўлар парвона...

ХУШ КЕЛИБСИЗ

Кўкдаги қуёш билиб,
Мени яхши кўрасиз.
Осмонимда ой бўлиб,
Эркаланиб юрасиз.

Эрка нигоҳларингиз
Аро никоҳладингиз.
Эркам, мени эркалар
Ҳаттоқи оҳларингиз.

Бу чирмашган бутоғлар
Ёлғизликни адoғлар.
Ғам чиқмайди тўпиққа,
Ўтаверсин оҳ-воҳлар.

Қадамингиз қут бўлсин,
Хуш келибсиз, хуш вақтим.
Кемтик диллар бут бўлсин,
Бўлмасин хеч туш вақтим!..

МЕНГА ЎХШАТДИНГМИ?

Менга ўхшатдингми синглимни,
Орқасидан боқиб қолибсан.
Олов боқишиларинг кўнглимни,
Кўтарди-ку, яна олисдан.

Менга ўхшашиб синглим кўзлари,
Кўзларимни севар эдинг сен.
Туташ қоши, кулча юзлари
Меникидай, бўй-басти ҳам тенг.

Аммо жуда баҳтли қиздир у,
Чўқтиргаган ҳеч кимнинг дилин.
Менинг каби ширин сўздир у,
Йўқотмаган менингдек тилин.

Менга ўхшатдингми синглимни,
Чекиндингми чеккан ғамингга?
Сездирибсан сезиб кўнглимни,
Зорлигинги, бир ҳамдамингга...

ОТАШ ЭДИ

Оташ эди қалбимда ҳислар,
Чақмоқ эди нигоҳларим ҳам.
Бироқ мени ёндириган кўзлар,
Ўзгаларга боқарди у дам.

Ўқсиб-ўқсиб йиғлардим пинҳон,
Юрак тушиб унинг қасдига.
Қалбим аро қанча сўз ниҳон,
Кўргач тилга келмай аксига.

Орқасидан қараб қолардим,
Тилаганча яна баҳтини.
Дардларимни ўраб қолардим,
Қайтармадим дея шахтини.

Минг азоб-ла оташин ҳислар,
Кўмилганда қалбимга сўниб.
Қайтиб келди у қаро кўзлар,
Қаърига дард, ўқинчлар чўмиб.

Ёнар эдим ёниқ ҳислардан,
Қаро кўзлар фироғида ман.
Энди эса ўша кўзлардан,
Яширина олмай доғдаман.

ПАРИВАШИМ

Паривашим парилар қасрига кетди,
Париваш момоларим асрига кетди.
Кетмас эди, мен ўзим қизганиб ўздан
Ярадор қилган сўзнинг касрига кетди!

Кетди, кетидан кетиб, ох, чополмасман,
Кетган йўлидан етиб, воҳ, тополмасман.
Демак мен бир тупроқдан, битта зувола,
Бирга қорилган лоймас, ё сополмасман.

Ярқ этиб очилганда кўзим, ўзим ток,
Паривашим васлига бу жоним муштоқ,
Ҳатто қўлимдан келмас васлин васфида
Нолавор тоққа учмоқ, ё чоҳга тушмоқ.

Паривашимсиз хору хасга айландим,
Номарду бечораҳол қасга айландим.
Ёр қадрини билолмай қадрсизландим,
Севгисин хор этганга қасдга айландим.

БАҲОР

Баҳор келаяпти гул сепини ёйиб, қаранг,
Субҳидам шудрингига юзини чайиб, қаранг.

Қор кўрпасин ёпинган она ер уйғонмоқда,
Бир илинжда ховлиққан орзиқиш бор тупроқда.

Ҳарорат бор қушларнинг қўшиқларин авжида,
Қувонч ташиб ютурган жилғаларнинг мавжида.

Тоққа қочган лоланинг алвонланар юzlари,
Дараҳтларда бир имдод тўкин, тўлин куз сари...

Одамларга бир боқинг: кўзларида шуъла бор.
Севгини севинтирган ҳис ила ашула бор.

Ашулага жўр бўлинг, ишқли дилга қўр бўлинг.
Мұхаббатда қулоқ кар, майли, кўзи кўр бўлинг.

Майли, Фарход мисоли Чинга боринг Ширин деб.
Майли, чўл кезинг, билай Лайли-Мажнун сирин деб.

Бўлса васлу фироқли, ҳаёт беҳад мароқли,
Эртанги кун умиди билан кўнгил чироқли!

АЖРИНИ

Севишингни билардим зимдан,
Рости дилга хуш ёқарди бу.
Гапирмасдинг муҳаббатингдан,
Сен жим, ошкор дил қоқарди у.

Дил изҳоринг қиласадим орзу,
Бироқ орзум беамал қолди.
Ҳам севиб, ҳам айта олди у,
Катталарнинг дилин тополди.

Мендан кўпни кўрган катталар
Бир иш қилса билиб қилади.
Рости дилга унинг журъати
Ва сўзлари оташ қилади.

Севмаганни севдиролди у,
Қалбим мардлар қурбони эди.
Умр йўлин мен-ла солди у,
Мен бевафо бўлдимми энди?

ОРЗИҚИБ КУТДИМ

Мен сени орзиқиб кўп кутдим,
Кўзларим йўлингда қолдилар.
Ҳаммага арз қилиб хўп кутдим,
Дардим ўнг-сўлингда қолдилар.

Юрагим қўлимда турибди,
Истасанг ғижимлаб отаман.
Истасанг қуёшдек тик чиқиб,
Яна тик пойингга ботаман.

Юлдузлар йироқда, ой етим,
Совуқда мунғайиб турибман.
Мен сенинг васлингдан бой эдим,
Хажрингдан қийналиб юрибман.

Айт, нима ёмонлик қилдим мен,
Билдим-ку дардингда куймоқни.
Метиндек қаддингга йиқилдим,
Билмадинг менингдек суймоқни.

Билмадинг менингдек кутмоқни,
Кўрмайди кўзларинг менингдек.
Ўргандим гапимни ютмоқни,
Бўлмайди сўзларим сенингдек.

Менингдек туйғуни тотмаган
Вужуддан мен нима ҳам кутдим?
Мен кетдим, қуёши ётмаган
Ўзга бир дунёга мен ўтдим!..

ЎЗГА ИШҚ

Умидвор тикилманг кўзимга,
Кетсам зор қараманг изимдан,
Ўзингиз изламанг сўзимдан,
Ўзга бир ишқ яшар дилимда.

Бу қиз бир дунё деб ўйламанг,
Севгиси рўё деб ўйламанг,
Юраги дарё деб ўйламанг,
Ўзга бир ишқ яшар дилимда.

Мен сизга гулимни бермасман,
Мухаббат, йўлимни бермасман.
Тушунинг, дилимни бермасман,
Ўзга бир ишқ яшар дилимда...

АССАЛОМ, ЯНГИ ЙИЛ

Ассалом, Янги йил, янги режалар,
Янги ўй-орзули кундуз, кечалар!
Янгилик яратган қўллар, бор бўлинг,
Яхшилик чорлаган йўллар, бор бўлинг.

Бор бўлинг, дўстларим, қаро кўзларим,
Сиз билан дил обод, ёруғ юзларим.
Қалбларни қамраган сеҳрлар ошсин,
Қайгуни ҳайдаган меҳрлар ошсин.

Ассалом, Янги йил, янги кашфиёт,
Мўл бўлсин сенда баҳт, саодат зиёд.
Ошиқлар армони ушалсин, дўстлар,
Вафодан поёндоз тўшалсин, дўстлар.

Умида умидин ёққан чироқ бўл,
Шодликка йўлдош бўл, ғамдан йироқ бўл!
Ассалом, Янги йил, янги режалар,
Янги ўй-орзули кундуз, кечалар...

КУЙМАСМИДИМ

Сени бирдан йўқотдим,
Гўё бирдан тош қотдим,
Кўклардан тушиб ерга,
Хасдек бекадр ётдим.

Куш эдинг, учиб кетдинг,
Туш эдинг, ўчиб кетдинг,
Бағримдаги Қуёшим,
Кудуқقا тушиб кетдинг...

Гир айланиб йиғлайман,
Чир айланиб йиғлайман,
Кудуқнинг атрофида
Зир айланиб йиғлайман.

Кошки, йиғласам, топсам,
Шунчалик суймасмидим?
Аста-аста йўқотсам,
Шунчалик куймасмидим?..

ЁМФИРЛИ КУН

Ёмғирли кун, ёмғирли,
Турли кўйда толғирли.
Халқоб чатнар, лой саҳрар,
Расво куйга солғирли.

Сен ёмғирли кунда кел,
Дил чалғирли кунда кел.
Ёмғир айланиб дўлга,
Ё муз, қорли кунда кел.

Овутаман ўзингни,
Чўғлатаман қўзингни,
Менга айтгил соғиниб
Келдим, деган сўзингни.

Қайтар дунё, қайт ёrim,
Ўз сўзингни айт, ёrim.
Соғиниб кетдим сени,
Ёмғир ёққан пайт, ёrim!

ЁНИНГГА БОРСАМ

Ёрим ёнингга борсам,
Йўлимни тўсгувчи йўқ.
Юрак, дилимни ёрсам,
Тилимни кесгувчи йўқ.

Мени кутиб олурсан,
Ўзингда йўқ бўлиб шод.
Бағрим бутун қилурсан,
Икки жаҳоним обод.

Холбуки ҳар ташрифим,
Кўзларингни тиндирур,
Мехр — кўзда деб таъриф,
Берганларим жим турур.

Сенинг олдингга борсам,
Йўлимни тўсгувчи йўқ,
Шундай ҳам бахтиёрсан,
Бахтингни бузгувчи йўқ.

БЕГОНА

Сен менга бегона эмассан,
Мен сенга бегона эканман.
Дилимда ҳур яшар нафассан,
Ишқингда ягона эканман.
Бир ёруғ кун менга меҳрингнинг
Шуъласин банду банд бойладинг.
Йўлимни йўқотиб, сехрингнинг
Мавжида сарбадор айладинг.
Яrim баҳт, яrim дард — ҳавассан,
Мен эса хаёлга дугона.
Сен менга бегона эмассан,
Мен сенга бегона, бегона...
Бу бошим не кунни кўрмади,
Кетишим сўрайсан самимий.
Кўзларим шунчалар кўрмиди,
Мен сенга қайтишим табиий.
Кетарсан — чўғ қолар бу танда,
Келарсан — аслингдан оҳ, йироқ!
Кўзларинг кузатар қадамда,
Сўзларинг чорлаган қўнгироқ!
Яшарман бежавоб бу ишқнинг
Ишидан ичикиб, ҳайрона.
Охири тугамас қўшиқнинг
Оҳангি аро маст, вайрона...

ШУНДАЙ ДЕДИ ҚИЗЛАР

Мени йўқлаб келибсан кеча,
Лек йўқ эдим, афсус, уйимда.
Бундан хомуш бўлибсан пича,
Келганмишсан ёниб куйимда,
Шундай деди қизлар, тушмагур.

Кўзларингда чақнаган олов,
Ҳар юракка ғулув солармиш.
Сенга кимки қараса бирров,
Хаяжонинг билиб олармиш,
Шундай деди қизлар тушмагур.

Сўзларинг ҳам қовушмай сира,
Сирларингни ошкор этармиш.
Кўлларингда гуллармиш сара,
Бари менга, менга аталмиш,
Шундай деди қизлар тушмагур.

Умид билан зора келса деб,
Йўлларимга бўлибсан маҳтал.
Ўйимга ўй, қалбимга эса
Ўт оловни қалашиб баттар
Шундай деди қизлар тушмагур.

ШУ РОСТМИ?

Мени севар эмишсан,
Менга саралаб атай
Гуллар терар эмишсан,
Шу ростми?

Менга хумор эмишсан,
Хаёлимда кўз юммай
Тунлар бедор эмишсан,
Шу ростми?

Мендан сўзлар эмишсан,
Йўлларимда билдирамай,
Ёниб бўзлар эмишсан,
Шу ростми?

Мен ҳам севишигимни,
Сени дейишигимни
Билмай хуноб эмишсан,
Шу ростми?

АЙИРМОҚЧИ БҮЛАРЛАР

Мени сендан, сени мендан
Айирмоқчи бўларлар.
Парвозга шай қанотимдан
Қайирмоқчи бўларлар.

Ахир сен-ку мени қўкка
Кўтариб улуғлаган.
Қувонч бериб қувонч йўққа,
Кўзларимни чўғлаган.

Ўлғонларни йўндираплар,
Қувончимни сўндираплар.
Иккимизни айрилиққа
Наҳотки кўндираплар?

Бор-йўғимга бека бўл деб,
Мехринг дилга ишқ қалар.
Борлиғимга эга бўл деб
Айирмоқчи бошқалар.

Аллоҳдан сўрганим сен.
Бошқаларга қайрилма.
Кўзим очиб кўрганим сен,
Мендан сира айрилма.

Мехр тўла юрагимга
Мадор бўлиб боқиб тур.
Ерга тегмас курагимга
Туморингни тақиб тур!

ОХУМИДИНГ?

Бир кўриниб йўқолдинг, ё охумидинг,
Дил ўйнатиб боқолдинг, ё оғумидинг?

Кўз олдимда қолди факат барно бўйинг,
Паримидинг, париларга жодумидинг?

Қайдин қайга келиб кетдинг эй маҳлиқо,
Бир лаҳзалик чақмоқмидинг, ёғдумидинг?

“Хайр” дея силкиндилар кокилларинг,
Куйлаганим, ўйлаганим мавзумидинг?

Ноёб умид бўлиб келдинг Умидага,
Ўзгага ҳам умидмидинг, орзумидинг?

ИЛК СЕВГИМНИ

Эркаловчи нигоҳинг,
Чўғ кўзинг кўрарканман,
Сўзларинг — юрак оҳинг
Эшитиб юрарканман,
Илк севгимни ўйлайман.

Босмай ўтар экансан
Иzlаримни авайлаб,
Йиллар аро олиб тан,
Ҳисларимни авайлаб,
Илк севгимни ўйлайман.

Дунёда илк севгидан
Айрилмоқ ўзи гуноҳ,
Дил бўшатиб, топиб ман
Сендан яширин паноҳ,
Илк севгимни ўйлайман.

Умр йўлимиз туташ,
Бағринг кенгдир мен учун,
Сахийгинам, юрак ғаш,
Йўқота олмай кучин,
Илк севгимни ўйлайман...

СҮРОҚ ҚИЛМАДИНГИЗ

Жуда кўп дамлар ўтди,
Кўнгироқ қилмадингиз.
Кўнгил, кайфиятимни
Бир сўроқ қилмадингиз.

Аразу ғаразларни
Кўмдим дамлар қатига.
Гуноҳим — суйганимми,
Айбим ҳам шу атиги...

Хаёлимда тонг отар,
Қай қиз сизга гул отар?
Рашқ, хижрон азобида
Рухим аро кун ботар.

Бошимни ҳам қилди ғам,
Ғарамланган жабрлар.
Мен қандай топай бу дам
Бунча бардош, сабрлар?..

Сажда қилиб Мусога,
Исога ибодатлар.
Хаёлий хиёнатлар
Ҳаётим қиёматлар...

Гуноҳим — суйганимми,
Куйганимми хижронда?
Ортингиздан эргашдим,
Мен ерда, сиз осмонда...

КҮЗЛАРИНГ

Тушимда ҳам, ўнгимда ҳам чўғ бўлиб,
Мени таъқиб этиб юрар кўзларинг.

Бу оламда аламларим йўқ қилиб,
Бахтим тақдим этиб юрар кўзларинг.

Кўз олдимда сумбатингни ростлайман,
Севинчларим сифмай кетар ичимга.

Гўё совуқ аёзимни ёзлайман,
Ёрим, сени алишмайман ҳеч кимга!

Алишмайман, алишмайман, кўзларинг
Тушимда ҳам, ўнгимда ҳам меники!

Алишмайман, алишмайман, сўзларинг
Тунда, тонгда, пешинда ҳам меники...

Сен неники бу оламдан изладинг —
Тушимда ҳам, ўнгимда ҳам меники!

ЎЗИНГСАН

Ҳаммадан ҳам чиройлигим — ўзингсан,
Мухаббатли юраклигим — ўзингсан.
Садоқатли инсон саодатлидир,
Саломат бўл, кераклигим — ўзингсан.

Байрам эмас, томоша эмас дунё,
Кунда бирдек шод яша, демас дунё.
Ёшингга ёш қўшилса, дил қувонди,
Дилнинг ғамин ҳамиша емас дунё.

Ҳаммадан ҳам чиройлигим — ўзингсан,
Қуёшимсан, ёруғ куним кўзисан.
Оромижон тунларимнинг чироги,
Офатижон тонгларим юлдузисан.

Қуёш кунда бизга кулиб боқарди,
Тундек қора сочингта гул тақарди.
Кўзларингда қувонч кўрсам қувондим,
Сочингга оқ тушса, сочим оқарди...

Байрам эмас, томоша эмас дунё,
Кунда бирдек шод яша, демас дунё,
Ҳаммадан ҳам чиройлигим — ўзингсан,
Мухаббатли юраклигим — ўзингсан.

ДҮСТ ДЕЙИНМИ?

Ёр дейинми, дүст дейинми,
Ширин, аччиқ сўз дейинми?
Энди на-да ўзингизнинг,
Номингизнинг йўқ тайини.

Юлдуз учса учаверсин,
Куёш Ойни тўсаверсин.
Боғу роғлар хазинлашиб
Хасу хазон тўшайверсин.

Ишим йўқдир ботса тикан,
Хушим йўқдир ёқсам деган,
Бетаажуб, беписандман,
Қайларга бош суқсам экан?

Орзуларда бебаҳорман,
Мавзуларда бекарорман,
Сиздан айри тушиб шундай
Бесаранжом, bemadorman...

БУЛУТМАН

Осмондаги булутман,
Сени асло унутмам,
Тўкиламан ёш бўлиб,
Арпа, буғдой, ош бўлиб.

Гоҳи ёмғир бўламан,
Куйган бағир бўламан.
Аслида кўкка учган
Ахир ёмғир бўламан.

Кетди даврон деганлар,
Ўтди карвон деганлар,
Янглишарлар, янглишар,
Дили вайрон деганлар.

Дилим — ўйинг билан банд,
Қўшиқ, куйинг билан банд.
Яшагайман, яшайман,
Умрингга умрим пайванд....

АСРАДИМ

Билсанг эди, сен учун,
Кўзларимни асрадим.
Қарамадим қуёшга,
Ою юлдузларга ҳам.

Билсанг эди ҳаттоқи,
Сўзларимни асрадим.
Овозимни эшитмай
Дов-дарахтлар боши хам.

Кўнглим софдир, ҳамиша
Парвоздаги рух тоза,
Ҳайқириб тинар денгиз,
Журъатингни асрадим.

Нигоҳинг мен таниган
Оламимга андоза,
Кўзларимда мен сенинг
Суратингни асрадим.

СҮЙГАНЛАРИМ БОР

Бу оламда менинг ҳам
Сүйганларим бор.
Мехру муҳаббатимни
Туйганларим бор.

Севинчимга шериклар,
Севинчим-ла тириклар,
Дарду аламларимдан
Куйганларим бор.

Бағри баҳор, беғубор
Элим, юртим бор.
Мен ундан айрилмасман,
Мангу умрим бор.

АСКАР МАКТУБИ

Мендан хавотир олманг, ойижон,
Жонни қийноққа солманг, ойижон,
Соғ-омонман мен дўстларим билан,
Эл аро ёруғ юзларим билан.

Жасур йигитлар орасидаман.
Мағрур йигитлар сарасиданман.

Бунда интилиш, изланиш бордир,
Бунда юракка жасорат ёрдир.
Рашк йўқ, алам йўқ, ортиқча «дард» йўқ,
Қизлар нозидан эзилган мард йўқ.

Бунда ҳаттоки сўзлардан кам бор,
Машаққатли машқ, мароқли дам бор.

Соғлом фарзандни ўстирган она,
Элга посбонни ўстирган она,
Соғинч ёшларин тўқмай шод юринг,
Бошни кўтариб ҳур, озод юринг.

Аскар ўғлингиз зўр бўлиб қайтар,
Тинчлик куйига жўр бўлиб қайтар.

ОШИҚЛАР

Ёлғон сўзламайди ошиқлар,
Раво кўрманг куз шамолини.
Кўринг Мажнун кўзи билан сиз,
Лайлининг ул гул жамолини.

Кечалари тушлар кўрарман,
Тушларимда қайсар парилар.
Ўша қайсар парилар сабаб,
Ўнгимда ҳам туш илгарилар.

Ўзим билан ўзим сўзлашиб,
Юрагим чўғ тошга айланар.
Кўрганмисиз тошнинг ёнганин,
Бор-йўғим бардошга айланар.

Суйганини сўйма десангиз,
Фарёд қилар муҳаббат аҳли.
Ҳам тошни, ҳам бардошни бирдек
Барбод қилар муҳаббат аҳли.

Менинг ҳам ўз оламим бордир,
Оламимнинг подишоҳиман.
Мехр қўйган одамим бордир,
У билан шод, ношод гоҳи ман..

ИЛТИМОСИМ УКАЖОН

Бериб қўйгин Гул опангга хатимни,
Айтиб қўйма яқинларга отимни,
Бардошим йўқ ўзим бориб айтишга,
Сирларимни тўкиб-сочиб қайтишга.

Бола: — Йўқ, йўқ ака, акажон,
Опам жуда қақажон,
Хат ташувчи бола деб,
Кулиб юрар ҳар қачон.

— Ўқишилари «беш» боласан укажон,
Яхшиларга эш боласан укажон.
Йиллар ўтиб йигит бўлиб менингдек,
Мухаббатга пеш бўласан укажон.

Бола: (нақорат)

Ўқиб-ўқиб етук инсон бўларсан,
Эрта-индин юрга посбон бўлурсан.
Ишқ сеҳрини, қиз меҳрини яширган,
Хат қадрини қайсиdir он билурсан.

Бола: (нақорат)

Аҳволимни кўриб кулма укажон,
Мендан сира хафа бўлма укажон.
Гул опангга бериб қўйгин хатимни,
Айтиб қўйма яқинларга отимни...

СИЗНИ ДЕБ

Беташвиш болалигим, қизғалдоқ лолалигим,
Үйинқароқ шүхлигим, қўғирчоғим — қўҳлигим,
Барини ташлаб келдим, фақат сизни деб жоним!
Уйим қолди узоқда, тўйим қолди узоқда,
Қанча панд-ўгит қолди, бир сахий йигит қолди,
Кўзини ёшлаб келдим, фақат сизни деб жоним!
Онам ҳам қолди нолиб, отам қовоғин солиб
Йўқол деди охири, ёмон отанинг қахри,
Дилимни ғашлаб келдим фақат сизни деб жоним!
Балки сизнинг ҳовлингиз, маҳалла, овулингиз,
Менга торлик қиласди, ўзига ёт билади,
Тилимни тишлаб келдим фақат сизни деб жоним!
Учибман нимангизга, тушибман кемангизга,
Ўрнашай дейман сизнинг шууру онгингизга,
Ёзимни қишлиб келдим фақат сизни деб жоним!
Сиз шу қадар зўрмисиз, кўз қамашган нурмисиз,
Кўнгил бир денгиз бўлса, сиз ундаги дурмисиз?
Ҳаётим тушлаб келдим, фақат сизни деб жоним!
Ял-ял ёнган лоладай, ҳарир ипак толадай
Ваъдамни ушлаб келдим, умримни хушлаб келдим,
Кўксимни муштлаб келдим, фақат сизни деб жоним!

СИЗГА ТАЛПИНИБ

Мен сизга талпиниб, учиб келяпман,
Күёшни қалбимда қучиб келяпман.
Минг бир истиҳола, минг бир ўй билан
Бир оз ҳадиксираб, чўчиб келяпман.

Ястаниб олибди пойимда боғлар,
Гулларнинг бўйини туйиб келяпман.
Ясаниб олибди пурвиқор тоғлар,
Лолалар базмини қўйиб келяпман.

Келяпман, кўнглимнинг тори эшилиб,
Кўксимда эшилиб бир бедоф ҳилол.
Оймома нуридан йўллар тўшалиб,
Халинчакда учган келинчак мисол.

Келяпман, олтиндан тахтим гўё нақд,
Дилимда айланиб битта сўз фақат:
«Кўли-ю тилидан ҳеч кимга, ҳеч вақт
Ёмонлик қилмаган инсондадир — Бахт!»

ҚАЧОН КЕЛАСИЗ?

Шамол қамчилайди бутоқлар билан,
Ёмғир томчилайди түлғоқлар билан.
Қалбим типирчилар, қачон келасиз?
Лабларим пичирлар, қачон келасиз?

Кафтдек йўл хирадир, чироқлар хира,
Кўриниб-кўринмас йироқлар хира.
Томчилар, томчилар қамалда бағир,
Кўк ойсиз, сой куйсиз, шамол-да ахир!

Шамоллаб келсайдим, енгил тортардим,
Ёйиғлаб олсайдим, енгил тортардим,
Чироқсиз юрибман туртиниб сизсиз,
Элга шу ҳолимча кўриниб Сизсиз.

Шамол бир саргардон, беватан махлук,
Томчилаb чопқиллаб турган ёмғир буғ,
Шамолу ёмғирга куним қолдими?
Шамолу ёмғирга кўниб қолдимми?

Шамол қамчилайди бутоқлар билан,
Ёмғир томчилайди түлғоқлар билан,
Қалбим типирчилар «Қачон келасиз?»
Лабларим пичирлар «Қачон келасиз?»

ИСТАСАНГ

Истасанг изингга зор этиб кет, ёр,
Истасанг измингда хор этиб кет, ёр,
Келмасга кетсанг-да, аммо ортингдан
Қолажак ўрнингни бор этиб кет, ёр!

Ўзим-ку ўзимдан кетдим неча бор,
Ушалмас орзумга етдим неча бор,
Орзулар ушалар бўлса орзуманд
Кўнглимга таъналар битдим неча бор.

Сен эса ўзингмас, мендан кетяпсан,
Юраги осмондай кенгдан кетяпсан.
Қолажак ўрнингни бор этиб кет, ёр,
Ахир сен келмасга чиндан кетяпсан...

Сен кетсанг ўрнингни тўлдирап ўйим,
Хажрингда вужудим сўлдирап ўйим.
Келмасга кетсанг-да аммо ортингдан
Юборар соғинчим тўлдирап бўйим.

ҚАЧОНГАЧА

Сенга назар солсам чиндан ҳам,
Йўқдур мақтагулик жамолинг.
Қизлар кулар, пинҳон оҳ урсам,
Бошим ўраб ширин хаёлинг.

Сочларинг ҳам эмас жингала,
Ялтираб ҳам турмайди, бироқ,
Сочларингни орзу қиласман,
Бўлса дейман қўлларим тароқ.

Қиз қалбига кўприк бўлгудек,
Киприкларинг ҳам қуюқ эмас,
Лек шу киприклар-ла қуралай
Кўзларингни қиласман ҳавас.

Қалб, хаёлим қўлингда, мисли
Узук қилиб тақиб олгансан,
Гўзалмисан ё кўркам, майли,
Менга жуда ёқиб қолгансан.

Ширин хаёлингнинг чўғида
Вужудимда ўтлар ёқилар.
Қачонгача телба ҳис банди
Бу юрагим ёлғиз оҳ урап?..

ТҮЛИН ОЙ

Бу кеч менинг кўчамда
Ёниб-ёндириб кездинг.
Шу беором кечамда
Орзумандлигим сездинг?

Хаёл қучди бошимни,
Юрак йўқотди тинчин.
Синай деб бардошимни,
Ёлвориб турдинг жим-жим...

Деразамнинг ёнидан
Ўтган сенми, тўлин ой?
Тушдими осмонидан
Жон олай деб сўлим ой?

Кўнглим равшандир чиндан,
Орзум рўшно, йўлим ой.
Тушдими осмонидан
Жон олай деб тўлин ой?..

ҚҰЗЛАРИНГ

Мени қийнаб бедаво севги,
Юрагимда ийғилди дардим.
Тұқиб солмоқ бўлиб барисин,
Муҳаббатим, сени ахтардим.

Учратдим ҳам сени, қора қўз,
Кулиб чиқдинг талпиниб менга.
Мен ҳам кулдим демай бирор сўз,
Ҳаяжонда гул тутдим сенга.

Эътиборинг тортганча гулга,
Сенга тўйиб тикилдим, лекин
Кулф солиб оташин дилга,
Қайтиб кетдим орқамга секин.

Дардкаш қилгим келмади рости,
Бўйолмадим қувноқ сўзларинг.
Чунки боқиб шод, эҳтиросли,
Порлаб турар эди кўзларинг.

ЁР ҲАЖРИ МЕНГА

Суидирдинг мени,
Куйдирдинг мени,
Ширин жонимдан,
Тўйдирдинг мени!

Орқангда қолиб,
Яшарман нолиб,
Кетдинг қувончим
Олдингга солиб!

Баъзан уришиб,
Пинҳон курашиб,
Юарман ағёр
Билан учрашиб!

Сенинг тилинг йўқ,
Қилолмайсан дўқ,
Забун ҳолимни
Билолмайсан, йўқ!

Йўқ деб йўғингда,
Куйдим чўғингда,
Учдим бемаврид
Отган ўқингга.

Талпиниб сенга,
Йўқ дедим нега,
Ишқ ҳажри менга,
Вафоси сенга!

КЕЧИРИМЛИ

Сенинг қўпол сўзларинг
кечиримли.
Юрагимга олмасман,
ўчиримли.

Чунки ёлғондан буткул
йирофимсан,
Менга куйлаган булбул,
чирофимсан!

Ҳаётимнинг сарвари
посбоним ўзинг,
Булат, чақмоқдан нари
осмоним ўзинг.

Фироқингда фиғонда
тутундирман,
Сен билан юрак бағри
бутундирман.

Сенга ҳамроҳ умримдан
розиман,
Сенсиз ўздан нариман
рости ман.

Чунки мени мен қилган
ўзингдирсан,
Ҳам ўзингга teng қилган
ўзингдирсан!

ДИЛДОРА ЭТМАНГ

Сизга қараб қўйсам гоҳо ўтли кўз билан,
Лаб жуфтласам сизга агар ўтли сўз билан,
Сиз қайтариб ташламанг тунд нигоҳлар билан,
Қаро бўлиб ўтар у кун ғам-оҳлар билан.

Сиз қаршимда ўлтирасиз ишлар билан банд,
Ҳар кун минг бор ўлдирасиз дил этиб пайванд.
Сизга мафтун бўлиб бу тан ёниб бормоқда,
Сизни севиб ўзгалардан тониб бормоқда.

Севишга-ку севиб қўйиб хижолатдаман,
На ўнгимда, на тушимда ҳаловатдаман.
Беҳаловат кунлар ҳаққи, дилпора этманг,
Қаршимда ҳеч ўзгаларни дилдора этманг...

БУ ГУЛЛАР

Бу гуллар қачон гуллар,
Қачон жилмаяр, кулар?
Чак-чак уриб қошида
Булбул гуллашин тилар.

Булбул бағри хун бўлиб,
Яйрашини бас қилди,
Гуллар кулмаса қувнаб,
Сайрашини бас қилди.

Булбулнинг ҳоли аён,
Ошиқ туйғуси — баён,
Қачон гуллар очилса
Куйлаб беради шодон.

Бу гуллар қачон гуллар,
Орзуманддир булбуллар,
Мұхаббатнинг васфини
Васлин туйганлар қилар.

ҲЕЧ КИМ

Севдим ҳамда севилдим,
Оlam-олам севиндим.
Бахт сойида чўмилдим,
Дарёсига кўмилдим.

Инжулари живирлар,
Қулогимга шивирлар:
Мендек суймаган ҳеч ким,
Мендек қумраган ҳеч ким...
Бир умрга умримда
Ошиқ бўлиб қолган ёр,
Булбулимда, кумримда
Кўшиқ бўлиб қолган ёр.

Кўзларимнинг шуъласи,
Кўнглимнинг ашуласи,
Янгроқ, мангут севинчим,
Мендек суймаган ҳеч ким!
Қизик, қуруқ сўзларнинг,
Қаноатсиз бўзларнинг,
Сўзлигию бўзлиги,
Илик-иссиқ юзлиги,

Айтинг, қаерда қолди,
Дилни чўғ қамраб олди,
Мендек суймаган ҳеч ким,
Мендек қумраган ҳеч ким...

ФАХР

Ёнингизда юрмоқлик
Мен учун фахр.
Лекин бундан тошбағир
Дилларда қаҳр!

Сиз билан сұхбатлашмоқ,
Сүзлашмоқ фахр,
Сүз бермаслар сүз олиб,
Не қиласай ахир!

Сиздан нари сургайлар,
Рухим синдириб,
Кимга раво күргайлар
Туйғум тиндириб?

Сиғиниб Момо Ҳаво,
Одам Атога,
Йўл қўйгаймиз биз аммо
Бир кун хатога...

АЛИШМАЙМАН

Юрагимнинг чўғини
Куёшга алишмайман.
Чунки куйиб, ёнишда
Куёшдан қолишмайман.

Кўзларимнинг нурини
Оймомадан олдим-у,
Ундан илгари кетдим,
Шу сабабдан жимдир у...

Қувончу ташвишимдан
Бардошларим бўлди тоғ.
Энди қор кўчкилари
Бостириб қилмас адoғ.

Мен ўзимни тикладим
Олий мавжудот бўлиб.
Дардларимни юкладим
Елларга бот-бот юлиб...

Юлдузларнинг баҳсида
Менинг устунликларим.
Шундай, ҳаёт саҳнида
Ҳамиша бутун бағрим.

ДЕБДИЛАР

Мени сенга ёмон дебдилар,
У ўқ, сен-чи камон, дебдилар.
Учар-кетар, сув ва оловсиз,
Тутундир бу замон, дебдилар.

Тутунни на тутиб бўлади,
На кўз юмиб ютиб бўлади.
Фақатгина аччиқ ёш тўкиб,
Бардош билан ўтиб бўлади.

Не десалар, десинлар, тўйдим,
Қасду ҳасдим есинлар, тўйдим,
Барига тик боқиб, тек юриб
Мен ўзимни оқламай қўйдим.

Яшайвердим ўзимча ғолиб,
На оҳ чекиб ва на-да нолиб.
Кизиқ, шундай юрсам келди
БАХТ —
Сен — гулимни олдига солиб!

УмидА Абдуазимова

ТИКИЛИБ-ТИКИЛИБ ҚАРАЙСАН

Муҳаррир *A. Мадраҳимов*

Рассом *Х. Құтлұқов*

Техник муҳаррир *T. Харитонова*

Мусаҳҳиҳа *Ш. Орипова*

Компьютерда тайёрловчы *Ф. Тугуиев*

Босишига рухсат этилди 05.07.2006. Офсет босма усулида босилди. Қоғоз формати 70 ў901/32. Шартли босма табоғи 3,48.

Нашр табоғи 2,51. 2 000 нусха. Буюртма № 06-102.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.